

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02.**

РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

КАРИМОВА ВАСИЛА ВАХОБОВНА

**АЁЛ ЖИНСИДАГИ ҚАРИНДОШЛИК
ВА ЯҚИНЛИК МАЪНОЛАРИ ТИЗИМИ
МАНТИҚИЙ-ЛИСОНИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА**

10.00.11 — Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
Philology sciences**

Каримова Васи́ла Вахобовна

Аёл жинсидаги қариндошлик ва яқинлик маънолари тизими
мантиқий-лисоний категория сифатида.....5

Каримова Васи́ла Вахобовна

Система значений родства и свойства женского пола как логико-
лингвистическая категория.....24

Karimova Vasila Vakhobovna

System of values kinship and properties female as a logical-linguistics
category.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....52

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02.**

РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

КАРИМОВА ВАСИЛА ВАХОБОВНА

**АЁЛ ЖИНСИДАГИ ҚАРИНДОШЛИК
ВА ЯҚИНЛИК МАЪНОЛАРИ ТИЗИМИ
МАНТИҚИЙ-ЛИСОНИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА**

10.00.11 — Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фаълари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2019.4. PhD/Fil.1074 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Кўкон давлат педагогика институти инглиз тили ва адабиёти кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Фарғона давлат университети веб-сайти (www.fdu.uz) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бердиалиев Абдували,
филология фаълари доктори,
профессор

Расмий оппонентлар:

Расулова Махфуза Инамовна,
филология фаълари доктори,
профессор

Набиева Дилора Абдулхамидовна,
филология фаълари доктори,
профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фаълари бўйича илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02. рақамли Илмий кенгашнинг «13» XI 2020 йил соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 94 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-71-28

Диссертация автореферати 2020 йил «30» X кунни тарқатилди.
(2020 йил «30» X даги 16 рақамли реестр баённомаси)



А.Қосимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

И.Ҳожалиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий қотиби, филол.ф.н., доцент

А.Мамажонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида муайян лексик тизимнинг шаклланиши, бу тизимнинг семантик тараққиёти ҳамда яхлит система сифатида таркиб топишига доир хилма-хил илмий қарашлар мавжуд. Зеро, тилда ташқи, яъни экстралингвистик омиллар билан боғлиқ кўплаб қоидаларни талаб қиладиган, лисоний шакллар учун муқаррар бўлмаган ҳолатлар учраб туради. Бундай ноизчилликлар барча тилларнинг қариндошлик атамалари системасига ҳам тааллуқлидир. Ўрганилаётган объектларни моҳиятан тизимлаштириш ва аниқлаштириш тилшунослик фани ривожига муҳим аҳамиятга эга.

Дунё тилшунослигида барча миллатлар лисоний оламидаги қавм-қариндошлик тушунчаларининг неча асрлик ижтимоий амалиётда шаклланган ва ижтимоий таркибда қўлланадиган фаол наслий лексик тизим кўринишида, муайян парадигмалар асосида шахсларнинг генетик иерархиясини намоён қилиши батафсил ўрганилган. Мазкур масала бир ёки турли тизимдаги тилларнинг грамматик тузилишини инобатга олиб ва тилнинг алоҳида хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, қавм-қариндошлик тушунчаларини мантиқий-лисоний категория сифатида ўрганишни тақозо этади. Бошқа тиллардаги каби ўзбек ва инглиз тилларида ҳам қариндошлик атамалари ўзига хос лексик тизимни шакллантиради. Ушбу тизимдаги аёл жинсига хос қавм-қариндошлик ва яқинлик атамаларини ўрганиш бу бирликларнинг тарихий тараққиётини ва қўлланиш механизмини аниқлашга имкон беради.

Ўзбек тилшунослигида бугунга қадар сўзларни семантик майдон асосида ўрганиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди. Шундай бўлса-да, ўзбек ҳамда инглиз тилларида аёл жинсига хос қавм-қариндошлик ва яқинлик атамалари мантиқий-лисоний категория сифатида синхрон аспектда ўрганилган эмас. Тилшунослик фани ривожининг замонавий босқичи тадқиқотчилар олдига ушбу масалага оид тил материалларини алоҳида тизим сифатида ўрганишни қайта кўриб чиқиш вазифасини қўймоқда. Таъкидлаш лозимки, тадқиқ усули борасида ономасиологик ҳамда семасиологик жиҳатлар ўзаро чамбарчас боғлиқ ва уларни бир-биридан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Тил фактларини функционал лингвистиканинг асосий, етакчи тамойили бўлган ономасиологик нуқтаи назардан ўрганиш замонавий тилшуносликнинг устувор йўналишига айланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "... илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали

механизмларини яратиш”¹ масалаларининг устувор стратегик йўналиш сифатида белгилаб қўйилиши тилшунослик соҳасида кенг кўламли илмий изланишлар олиб боришни янги босқичга олиб чиқди. Бу босқичда инглиз ва ўзбек тиллари мисолида қавм-қариндошлик номларини яхлит тизим сифатида тадқиқ этиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб ҳисобланади. Инглиз ва ўзбек тили лексик тизими доирасидаги изланишлар мазкур тилларнинг умумий ва хусусий томонларини ёритишда алоҳида аҳамиятга эга. Тил макросистемасида наслий микросистема тадқиқи тил сиёсатида тилларнинг миллий табиатини яққол кўрсатиб берувчи устувор йўналишга айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 1875-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 18 майдаги “Узлуксиз таълим тизимини чет тиллар бўйича давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4749-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сонли “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармонида ҳамда мазкур соҳа бўйича қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий,

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль. – № 28.

маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослиги доирасида А.М.Кузнецов, В.И.Абаев, Н.А.Баскаков, Н.В.Бекбулатов, А.А.Бурькин, Г.Г.Джафаров, А.Ишаев, А.Н.Кононов, Лауде Циртаутас, А.Маметов, А.А.Покровскаялар² томонидан қариндошлик номларининг лисоний хусусиятлари турли нуктаи назардан ўрганилган. Туркийшуносликда қариндошликка доир лексик материалларни тизимли ўрганиш бўйича Ш.Раҳматуллаев, И.Қўчқортоев, Э.Бегматов, Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, К.М.Мусаев, Ҳ.Неъматов, Р.Расулова, А.Бердиалиев, Ш.Искандарова, И.Исмаилов, М.Саидовалар³нинг ишларида тадқиқ этилган. Хуллас, қариндошлик атамалари анъанавий, қиёсий-чоғиштирма усулларда таҳлил қилинган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Қўқон давлат педагогика институти илмий-тадқиқотлар режасининг “Ўзбек тилининг системавий тадқиқи” доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўрганилаётган тилларда аёл жинсидаги қариндошлик ва яқинлик лексик тизимини ўзига хос мантиқий-лисоний категория сифатида тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек ва инглиз тилларида қариндошлик терминларининг мантиқий-лисоний категорияси тадқиқида ономасиологик тамойил ўрнини белгилаш;

² Кузнецов А.М. Сопоставительно-типологический анализ терминов родства английского, датского, французского и испанского языков // В кн. Синхронно-сопоставительный анализ языков разных систем. – М.: Наука, 1971. – С. 269–277; Абаев В.И. О родовых отношениях и терминах родства у осетин // Энгельс и языкознание. – М.: Наука, 1971. – С. 239–242; Баскаков Н.А. Алтайская семья языков и ее изучение. – М.: Наука, 1987. 136 с.; Бекбулатов Н.В. Башкирская система родства. – М., 1981; Бурькин А.А. Какая реальность наблюдается исследователями при описании систем терминов родства // Алгебра Родства. СПб.: МАЭ РАН, 2001. Вып. 5. – С.63-75; Джафаров Г.Г. Термины родства в семантической системе и грамматической структуре языка // СТ, 1974. – № 3. – С. 22–32; Ишаев А. Историческое развитие лексики тюркских языков. – М.: АН СССР, 1961. – С. 11-81; Кононов А.Н. Родословная туркмен. – Л., 1958, Лауде Циртаутас. К вопросу о табу и эвфемизмах в казахском, кыргызском и узбекском языках // СТ, 1976. – № 4. – С. 72–87; Маметов А. О терминах родства в крымскотатарском языке // СТ, Баку. 1980. № 6. – С. 70–76, Покровская А.А. Термины родства в тюркских языках // В кн. Историческое развитие лексики тюркских языков. – М.: Изд-во АН СССР, 1961. – С. 11–81.

³Раҳматуллаев Ш. Краткий фразеологический словарь узбекского языка на узб.яз. – Тошкент: Фан, 1964; Бегматов Э. Ўзбек исмлари изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2016; Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. –Тошкент: Mumtoz so'z, 2017; Нурмонов А. Лисоний белги хусусиятлари ҳақида. – Андижон, 1992; Мусаев К.М. Лексика тюркских языков в сравнительном освещении. –М., 1975; Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995; Бердалиев А., Хидиров Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Хўжанд, 2013; Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. –Тошкент: Фан, 1998; Исмаилов И. Ўзбек тилида қавм-қариндошлик терминларига доир баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1964. – № 4. – С. 40 – 43; Саидова М. Қариндошлик атамалари тарихига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1993.

ўрганилаётган тилларда аёл жинсига хос қариндошлик ва яқинлик категорияси ифода воситалари микротизимининг функционал, семантик ва стилистик хусусиятларини аниқлаш;

ўзбек ва инглиз тиллари аёл жинсига хос қариндошлик ва яқинлик категориялари маънолари ифода тизимининг функционал, мавзуий, семантик микротизимларини ёритиш;

аёл жинсига хос қариндошлик ва яқинлик категориялари ифода воситаларининг супплетивизм, гиперонимия, гипонимия ва эквонимия ходисаларига муносабати ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини далиллаш;

функционал, мавзуий, семантик микротизимларни ташкил этувчи лексема маъноларининг иерархик тузилишида аниқ ва ноаниқ семантик компонентлар мавжудлиги қонуниятларини исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек ва инглиз тилларида аёл жинсига хос қариндошлик ва яқинлик категорияларининг ифода воситалари микротизими танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети ўзбек ва инглиз тилларидаги аёл жинсига хос қариндошлик ва яқинлик категорияси микротизимининг функционал-семантик, фарқли ва ўхшаш хусусиятлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертациянинг методологик асосини жамиятнинг доимий тараққиётда эканлигини акс эттирувчи фалсафий қарашлар, билиш назарияси ҳақидаги тушунчалар ташкил этади. Тадқиқот мавзусини ёритишда тасвирий, компонентли (семантик) таҳлил, таснифлаш, тавсифлаш, зидлаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилар билан белгиланади:

ўзбек ва инглиз тилларида аёл жинсига хос қариндошлик ва яқинлик мантиқий-лисоний категорияси хотин, қайнона, қайнисингил, овсин, кундош, куда, эгачи (опа), келинойи каби ифода воситалари микротизимига хос ментал, миллий, социал жиҳатдан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари аниқланган;

ўрганилаётган тилларда аёл жинсига хос қариндошлик ва яқинлик категориялари маънолари ифода тизимининг никоҳ билан боғлиқ, никоҳ билан боғлиқ бўлмаган функционал, семантик ва мавзуий микротизимлари ёритилган;

қариндошлик ва яқинлик категориялари ифода воситаларининг тик чизиқли (вертикал) ва ён чизиқли (горизонтал) муносабатлари, бу тизим аъзоларининг супплетивизм, гиперонимия, гипонимия ва эквонимия ходисаларига муносабати, уларнинг ўзаро боғлиқлиги далилланган;

функционал, мавзуий, семантик микротизимларни ташкил этувчи лексема маъноларининг иерархик тузилишида аниқ ва ноаниқ семантик

компонентлар мавжудлиги исботланган, *хотин, қайнона, қайнисингил, қуда, эгачи (она)* лексемаларининг этимологик маънолари ёритилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбек тилидаги аёл жинсига хос лексемалар функционал-семантик, мантиқий-лисоний жиҳатдан ўрганилиб, ўзбек семасиологияси, лексикографияси янги илмий-назарий қарашлар билан бойитилган, терминология ва соҳавий лексикнинг ўхшаш ва фарқли томонлари кўрсатиб берилган;

луғат таркибидаги аёл жинсига хос қариндошлик, яқинлик маънолари, мантиқий категорияларнинг семантик ҳамда лингвомаданий хусусиятларига оид натижаларидан тилшуносликнинг замонавий йўналишлари, лексикология соҳасида янгича ёндашувлар вужудга келишида муҳим назарий қарашлар шаклланишига асос бўлиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация муаммосининг ўрганиш объекти ва предмети табиатига мос равишда қўйилганлиги, назарий манбалардан танқидий фойдаланилганлиги, методология ва методларнинг мақсадга мувофиқ танланганлиги, қариндошлик атамалари соҳасида, хусусан, функционал-семантик микротизимлар бўйича сўз ва бирикмаларни гуруҳлаш, ўзбек ҳамда инглиз тилларидаги аёл жинсига хос қариндошлик ва яқинлик категориялари маънолари ифода воситаларининг семантик тузилишидаги маънолар иерархиясини ўрганиш, идеографик атама ҳосил қилиш ва функционал-семантик соҳалар бўйича махсус факультатив курсларни ўрганишда, атамашунослик муаммоларининг ономасиологик жиҳатларини ифодалаш бўйича битирув, магистрлик диссертацияси ва реферат ёзишда, қардош бўлмаган тиллар ҳамда уларнинг агглютинатив ва ноагглютинатив тузилишдаги бошқа тиллар билан ўзаро алоқасини ўрганиш назариясига эътибор берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотда аёл жинсига хос қариндошлик ва яқинлик категорияларининг маънолари ифодасини семантик ташкил этишнинг назарий асосларини умумлаштиришга, бадиий асарлар ва бошқа матнлар тадқиқотлари учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади, шунингдек, ифода воситаларининг тадқиқ қилинаётган турли кўринишдаги семантик тизимлар ўртасидаги иерархик муносабатлар тизимлаштирилганлиги билан;

тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аёл жинсига хос қариндошлик ва яқинлик маънолари тизими мантиқий-лисоний категориясига доир материаллар талқини ҳамда қарашлари икки тилли инглиз-ўзбек ҳамда ўзбек-инглиз тилларининг идеографик луғатини тузишда, умумий тилшунослик, лексикология ва семантика, лингвосемиотика бўйича

дарслик, қўлланмалар яратишда, махсус курс ва семинарлар ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқотнинг назарий таклифлари, амалий тавсиялари ва хулосалари қуйидагиларга татбиқ этилган:

биологик жинс, шунингдек, кимга қарашлилиги жиҳатларидан фарқ қилмайдиган тик ва ён чизиқ қариндошлик маъноларини билдирувчи атамалар ҳақида маълумотлардан Қўқон давлат педагогика институтида 2017-2018 йилларда бажарилган “Piloting ECVET to the National VET system of Russia and Uzbekistan” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30-октябрдаги 89-03-4203-сон маълумотномаси). Натижада ўрта-махсус таълим муассасалари учун тайёрланган ўқув-услубий қўлланма қариндошлик атамаларининг парадигмасига оид маълумотлар билан мукамаллаштирилган.

аёл жинсига хос қариндошлик ва яқинлик категориялари ифода воситаларининг супплетивизм, гиперонимия, гипонимия ва эквонимия ҳодисаларига муносабатига оид фикрлардан ХИД-1-29- сонли “Ўзбекистон олий ўқув юртлигининг нофилологик факультетларида бакалавр йўналиши учун немис тили фанини ўқитишда янги педагогик технологияларни татбиқ этишга оид дарсликни яратиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30-октябрдаги 89-03-4204 сонли маълумотномаси). Натижада яратилган дарслик фактик материаллар билан бойитилган;

тил тараққиёти ва унинг ижтимоий аҳамиятига оид диссертация хулосаларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан тайёрланган ва эфирга узатилган «Миллат ва маънавият», «Бедорлик» эшиттиришлари сценарийсини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 30 октябрдаги 04-25-2261-сон маълумотномаси). Натижада айни эшиттиришларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ва янги манбалар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан 12 та илмий иш, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 та республика ва 2 та хорижий журналларда, 1 та хорижий илмий конференция тўпламида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.

Диссертациянинг умумий ҳажми 131 саҳифадан ибрат бўлиб, 3 та асосий боб, хулоса, адабиётлар ва қисқартмалар рўйхатидан ташкил топган. Тадқиқотга 7 та жадвал илова қилинган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилинганлиги апробацияси, нашр этилган ишларга муносабат, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тил лексик материалларининг ўзига хос мантиқий-семантик категория сифатида ўрганилиши масаласига доир”** деб номланган биринчи боби икки бўлимдан иборат. Бобнинг **“Қариндошлик атамалари тизими ўзига хос мантиқий-лисоний категориянинг тури сифатида (Турли грамматик тизимли тиллардаги қариндошлик атамаларини ўрганиш тарихи ҳақида)”** номли биринчи бўлимида сўнги пайтларда бажарилган турли тизимдаги тилларнинг компонентли (семантик) таҳлилига бағишланган тадқиқотларга эътибор қаратиш асослидир. Бу, ўз навбатида, жаҳон ҳамжамияти моддий ва маънавий ҳаётининг барча тармоқларида глобаллашув жараёнининг тобора ривожланиб боришига нисбатан ўзига хос жавоб ҳисобланади. Таржима, ахборот хизмати масалалари, турли луғат ва маълумотнома яратиш вазифаси, она тили бўлмаган тилни ўқитиш усуллари тақомиллаштириш – буларнинг барчаси тилшунослик олдида турган долзарб вазифалар ҳисобланади. Айнан шу омил ўзбек ва инглиз тилларидаги қариндошлик атамалари тадқиқот объекти сифатида танланишига асос бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ишда асосий вазифа ўзбек ва инглиз тиллари эволюциясини эмас: аёл жинсидаги қариндошлик ва яқинлик тизимини икки тил доирасида ўзига хос мантиқий-лисоний категория сифатида ўрганишдир. Маълумки, турли тизимдаги тилларнинг алоҳида қатламини қиёслаш ниҳоятда мушкул, аммо рус олими А.А.Потебнянинг бу борадаги қарашлари ўзгача бўлган: “Мен ҳатто бир-бирига анча яқин бўлган тилларнинг ички тузилиши ва битта тил лаҳжасидаги фарқни рад этмайман, бироқ биламанки, тиллар қанча ўхшаш бўлса, шунча уларнинг асосий фарқларини аниқлаш қийинроқ бўлади”⁴. Бу билан олим қардош тиллар доирасида олиб борилган ўрганишлар самаралироқ кечишига ишора қилган. Я.Гриммнинг ёзишича, “Тил суяклар, буюмлар ва қабристонлардан кўра афзал турадиган халқ тарихининг асосий гувоҳи ҳисобланади. Тил – бу инсоният руҳининг

⁴ Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Т. IV. – М.-Л., 1941. – С. 36.

нафасидир”⁵. Н.Я.Марр эса Я.Гримнинг тил ҳақидаги бу фикрларини тўлдириб шундай ёзади: “Тил – бу инсониятнинг бошқа маданий ихтиролари таркибига киради. Фарқи шуки, тил бир вақтнинг ўзида инсоният ривожланишида ижод тадрижининг барча босқичларини улар қандай тузилган бўлса ва қандай маънода қўлланилган бўлса, шундай акс эттиради”⁶.

Диссертацияда типологик жиҳатдан турли тилларнинг қариндошлик ва яқинликни ифодаловчи лексик материалларини ўрганиш учун замонавий лингвистик тадқиқот усулларидан бири бўлган таркибий-тизимли усулга асосий эътибор қаратилди.

Лексик-семантик гуруҳларни ўрганишда компонентли таҳлил методини қўллаш энг маҳсулдор усуллар ҳисобланади. Маълумки, семантик майдон (мантикий-лисоний гуруҳ) муайян семантик компонент асосида ажратилади. Қариндошлик атамалари “қариндошлик”нинг семантик таркибий қисмлари асосида бирлашади.

Тизимли усул синхрон-қиёслаш усули билан бирга қўлланади ва у турли тузилишдаги тилларнинг қариндошлик атамалари тизимини ўрганишда жуда қулай ва самаралидир. Яков Гримм айрим герман тилларида “ота” ва “она”ни англатувчи атамаларнинг икки категорияси мавжудлигини қайд этган ҳамда бу ҳодисага ўз изоҳини беришга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, “... чамаси қачонлардир қариндош халқлар Европага бостириб кириш жараёнида *vater, mutter, bruder, schwester* шаклга эга бўлган бирликлар ўрнига бошқа атамаларни қўллашган, уларнинг айримлари ўзлаштирилди, қолганлари эса, аксинча, улардан қўшниларга ўзлашиб кетди”. Я.Гримм гот тилидаги тасвир шаклида ифодаланган *atta*, “*ота*” ва *aipei* “*она*” сўзларини мисол келтиради. Унинг сўзларига кўра, олийнасаб немис қабилалари тилида *azo* ва *eidi* камдан-кам қўлланилган⁷.

Шунингдек, диссертацияда М.М.Гухман⁸, А.А.Покровская⁹ ва бошқаларнинг қариндошлик атамалари табиатига доир асарлари мазмуни бўйича муносабат билдирилган.

Бобнинг **“Қариндошлик ва яқинлик маънолари тизимининг мазмун режаси супплетивизм ва гетеронимия ҳодисалари билан боғлиқлиги”** деб номланган иккинчи бўлимида бевосита супплетивизм тор ва кенг ифодалар учун қўлланиши ҳақида фикр юритилади. Тор маънода супплетивизм сўз ўзгариши, яъни морфология билан чекланади, кенг маънода эса унинг таркибига синоним ва антоним тизимлар ҳам киради. А.А.Реформатский супплетивизм-ўзак ҳамда супплетивизм-асосни алоҳида гуруҳларга ажратади. Биринчи гуруҳга: *человек — люди (одам — инсонлар)*,

⁵Усмонов С. Умумий тилшунослик. – Тошкент, 1972. – С. 177.

⁶Марр Н.Я. Значение и роль изучения нацменьшинства в краеведении // В кн. Краеведение. Т. IV, вып. I. – М., 1927. – С. 8–169.

⁷Девону луғотит-турк. Индекс. – Тошкент: Фан, 1967. – С. 88–351.

⁸Гухман М.М. До индоевропейский термины родства в германских языках // Памяти академика И.Я. Марра. – М. –Л., 1978. – С. 93–115.

⁹Покровская А.А. Термины родства в тюркских языках // В кн. Историческое развитие лексики тюркских языков. – М.: Изд-во АН СССР, 1961. – С. 11–81.

*ребёнок — дети (бола — болалар); иккинчисига эса козёл — коза (така/эчки), продавец — продавщица (сотувчи эркак/сотувчи аёл) ва бошқалар тааллуқли*¹⁰.

В.М.Солнцев ва Л.С.Бархударов каби олимларнинг нуқтаи назарлари А.А.Реформатскийнинг супплетивизм борасидаги фикрларига мос келади. В.М.Солнцевнинг таъкидлашича, баъзи ҳолларда улар бир хил маъноли аффиксал характердаги турли фонетик шакллар (унинг номлаши бўйича: сонемалар) билан ифодаланиши мумкин¹¹.

Тилда супплетив шаклнинг ҳосил бўлиши ва фаолият кўрсатиши тил белгиларининг мазмун режасига тааллуқли табиий ҳодиса ҳисобланади.

Супплетивизм ва супплетивлар фаолияти Р.А.Будагов томонидан янада кенгроқ ўрганилган. Унинг ёзишича, “...уларнинг айримлари турли илдизларнинг кейинги ўхшашлиги натижасида эмас (конвергенция), балки дастлабки ягона илдизнинг кейинги тафовути (дивергенция)га боғлиқ бўлган фонетик ўзгаришлар натижаси ҳисобланади. Супплетивлар ёки супплетив ҳосилалар нафақат қиёслаш босқичида, балки келишик шаклини ҳосил қилишда (*я — меня (мен — менга)*), жинсга кўра чеклашда (*мужчина — женщина (эркак — аёл)*), сонига кўра (*человек — люди (одам — инсонлар)*), замонга кўра (*иду — шел (боряпман — ўтдим)*) ва бошқа ҳолларда намоён бўлади”¹².

В.В.Лопатин тадқиқотларида эса супплетивизм умумий илдизга эга турли шаклларнинг микротизими сифатида қаралади. У супплетив жуфтлик учун мисол сифатида рус тилида анъанавий мисол даражасига етган *ребёнок — дети, человек — люди* шаклидаги лексик боғлиқликларни келтиради¹³. Бу нуқтаи назар 1990 йилдаги “Рус тили грамматикаси”да янада мустаҳкамланган¹⁴. Диссертацияда супплетивизм бўйича О.С.Ахманова, В.Г.Адмони, В.С.Конецкая, Ю.Д.Апресян, М.Я. Блох, А.Бердиалиев¹⁵ ва бошқаларнинг фикрлари ҳақида маълумотлар мавжуд.

Диссертацияда битта лексемада бир-бирига мос бўлган лексик супплетивизмнинг гипоним-гиперонимлик муносабати билан алоқадорлик жиҳатлари тўғрисида ҳам сўз боради. Таққосланг: *она ва она // mother and father, она ва сунгил // elder sister and little sister* ва бошқа лексемалар гипоним ҳисобланади, улар бир-бирига муносабатда супплетивизмга алоқадор бирликлар (согипонимлар) каби вазифа бажаради. Лексик характердаги супплетив ва гипонимлар ўртасидаги фарқ шундаки, лексик

¹⁰Реформатский А.А. Что такое термин и терминология // Вопросы терминологии (Материалы Всесоюзного терминологического совещания). – М.: АН СССР, 1951. – С. 47.

¹¹Бархударов Л.С. Очерки по морфологии современного английского языка. – М., 1975.

¹²Азизов О. Тилларни қиёсий ўрганиш масаласига доир // Туркий тилларнинг тараққиёти муаммолари. – Тошкент: Фан, 1995. – С. 20–21.

¹³Лопатин В.М. Супплетивизм // Русский язык. Энциклопедия. – М., 1969.

¹⁴Потебня А. А Из записок по русской грамматике. Т. IV. – М.-Л., 1941. – С. 36.

¹⁵Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М., 1966. – 608 с.; Адмони В.Г. Грамматический строй как система построения и общая теория грамматики. – М., 1988; Конецкая В.П. Супплетивизм в германских языках. – М.: Наука, 1973; Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. – М., 1974; Блох М.Я. Теоретические основы грамматики. – М., 1986; Бердиалиев А. Сўзлар оламига саёҳат. –Хужанд, 2012.

супплетивлардаги мантикий ассоциация муносабати, гипонимлардаги мантикий ассоциация муносабатидан кўра кучлироқ бўлади.

Таъкидлаш лозимки, битта сўз ўзаро боғлиқ аъзо сифатида бир нечта супплетив жуфтликларда иштирок этиши мумкин. Масалан, *ота* // отец сўзи коррелятив аъзо функциясида учта супплетив парадигма таркибида иштирок этади: 1) *ота-бобо* // father –grandfather; 2) *ота-она* // mother – father (parents); 3) *ота- бола* // father – child.

Гетеронимия ҳодисаси битта функционал-семантик микротизим (парадигма)нинг коррелятив аъзоларини семантик тузилишдаги категория ва дифференциал хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлиги асосида тизимли алоқага киришиш учун турли ўзакли бирликларнинг бевосита бирлашмаси ҳисобланади. Бунга мисол қилиб: *ота-она* // mother – father(parents), *эр – хотин* // *husband – wife*, *ота-бола* // father – child, *она-сингил* // sisters, *ака – ука* // brothers ва бошқаларни келтириш мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Қондош-қариндошлик атамаларида аёл жинси маъносидаги ифода воситалари парадигмаси (вертикал ва горизонтал чизик бўйлаб)”** деб номанган ва унинг мазмуни 7 бўлимда баён қилинган.

“Ота-онани туғиб тарбиялаган аёл” (буви) маъноси ифода воситалари парадигмаси ва унинг функционал-семантик микротизими” номли биринчи бўлимда ота-она маъноларининг ифода воситалари тизими ўрганилган.

“Ота-оналарнинг оналари” маънолари парадигмаси мантикий жиҳатдан мос келувчи икки аъзолардан ташкил топади: а) “отанинг онаси // father’s mother” (“grandmother from father’s side”) ; б) “онанинг онаси // mother’s mother” (“grandmother from mother’s side”).

Бу ўзбек адабий тилида ўзгармас семантик бирлик *буви* лексемаси билан ифодаланади ва “отанинг онаси” (“grandmother from father’s side”), “онанинг онаси” (“grandmother from mother’s side”)ни англатади. Ўзбек тилида эса маънони тўлиқ ифодалаш учун *ота томондан буви* ва *она томондан буви* каби гипонимик характердаги сўз бирикмалари қўлланади. Бу ўринда компонентларнинг бири сифатида *ота (father, daddy)*; *она* (диалектда *ойи, она, ая*) “*mother*”, “*mom*” – *дадамнинг // отамнинг ойиси // онаси // аяси*; “*father’s mother – grandmother from father’s side*”; *ойимнинг // онамнинг // аямнинг ойиси // онаси // аяси* “*mother’s mother – grandmother from mother’s side*” лексемалари иштирок этади. Ушбу сўз бирикмалари гипонимларнинг гипероними сифатида “ота-оналарнинг онаси” (“grandmother”) маъносида *буви* лексемаси қўлланади.

Замонавий инглиз тилида “отанинг онаси” // “ота томонидан буви” ва “онанинг онаси” // “она томонидан буви” маънолари бир хил *grandmother* лексемаси орқали ифодаланади.Инглиз тилида, масалан, *old woman, crone* “кекса аёл” (“кампир”) маъносидаги сўз ҳам қўлланилади ва “ота ва онанинг онаси” (“буви”)ни англатади.

Инглиз тилида *grandmother, old woman, crone* синонимик қаторида “*grandmother*” лексемаси устун; ўзбек тилида эса *буви, эна, момо, биби,*

катта она, ача ва бошқа “ота-онанинг онаси” маъносидаги синонимлар қаторида *буви* лексемаси доминант ҳисобланади.

Ўзбек ва инглиз тилларидаги “ота-онанинг онаси” маънолари турли маънолардаги 11та ФСМТ таркибига киради.

“Фарзандни туғиб тарбиялаган аёл” (она) маъноси ифода воситалари парадигмаси ва унинг функционал семантик микротизими” номли иккинчи бобнинг иккинчи бўлимида “ота-онанинг аёл жинсидагиси” маъносини билдирувчи ифода воситалари тизими ўрганилди. Бу ўзбек ва хорижий тилларда турлича ифодаланади: ўзбек тилида – *она*, рус тилида – *мать*, тожик тилида – *модар*, инглиз тилида – *mother*.

Ўзбек тилидаги *она*, инглиз тилидаги *mother* лексемаси “мени тукқан аёл” // “ота-онанинг аёл жинсидагиси”ни англатади. “Болаларнинг онаси” семаси ўзбек ва инглиз тилларидаги ушбу лексемаларнинг асосий маъноси ҳисобланади.

Ўзбек тилида “мени тукқан аёл” // “ота-онанинг аёл жинсидагиси (тукқан она)” маънолари ифода воситаларининг парадигматик қаторида *она*, *ойи* лексемаларидан ташқари, *волида* сўзи туради ва бу сўз араб тилига тегишли бўлиб, асосан, мумтоз адабиётга оид матнлар тилида қўлланилади.

Аксарият ўзбек шеваларида болалар оналарига, *бувилари* улар билан яшаган вақтда, *ана* сўзи билан мурожаат қилишади. Инглиз тилида *mother* лексемасининг семантик тавсифи “тукқан она” маъносида қўлланганда, “қонқариндош”лик семаси устунлик қилади. Унинг бошқа усулларида қонқариндошлар семаси олиб ташланади, нейтраллаштирилади, бу ўзбек тилидаги “ўгай она”, “аканинг хотини”, “амаки-тоға хотини”, “яқин кўшнилари хотини” маънолари билан *ойи* лексемасига мос келади.

Инглиз тилида *mother* сўзи турли маъноларда бир нечта синоним қаторларда иштирок этади. Масалан: “тукқан она” маъносида у *mother*, *tamma*, *tummy*, *ma*, *tammy* синонимик қаторида; *foster mother* – “асраб олган она” маъносида, *nursing mother* бирикмаси эса “эмизган она” маъносида қўлланилади.

Ўзбек тилида “мени тукқан аёл” маъносида *она*, *эна*, *ойи*, *буви*, *ача*, *она*, *волида* лексемалари қўлланади. Улар орасида адабий тилга тааллуқли бўлган *она* сўзи доминанта, қолганлари эса ўзбек тилининг турли шеваларига тегишли. Бу синонимик қаторнинг доминанти ўзбек тилидаги *она*, инглиз тилидаги *mother* “мени тукқан аёл” маъносида бир нечта функционал-семантик микротизимларни ҳосил қилади. Диссертацияда ушбу ФСМТ компонентларининг семантик тузилишдаги ўхшаш ва фарқли семалари аниқланган ҳамда тавсифланган.

Бобнинг учинчи бўлими **“Ота-онанинг аёл жинсидаги фарзанди”(қиз) маънолари ифода воситалари парадигмаси ва унинг функционал-семантик микротизими”** деб номланади. Ўзбек тилида «бола», «фарзанд» маъносида *бола* ва араб тилидан ўзлаштирилган *зурриёд*; тожик-форс тилидан ўзлаштирилган *фарзанд* ва *зод* лексемалари қўлланади. Замонавий инглиз тилида ушбу маъно *child* лексемаси билан ифодаланади. Ўзбек тилидаги *фарзанд* // *бола*, инглиз тилидаги *child* лексемалари ўзбек тилидаги

ўғил ва қиз, инглиз тилидаги *son* ва *daughter* гипоним лексемаларига нисбатан гипероним характерига эга.

Таъкидлаш лозимки, *child* // *бола* ва *фарзанд* семантик тузилиши ўртасида “эркак жинси” семасига нисбатан фарқ мавжуд, бу эса *фарзанд* семантик тузилишига нисбатан *child* // *бола* семантик тузилишида аниқроқ намоён бўлади.

Фарзанд, *бола*, *зурриёд*, *тирноқ* лексемалари ўзаро синоним ҳисобланади ва улар орасида *фарзанд* лексемаси нисбатан фаол қўлланади. Ушбу синоним парадигмаларининг барча аъзолари “битта ота-онадан туғилган болалар” маъносида гиперонимик характерга эга. Ўзбек тилидаги *бола*, инглиз тилидаги *child* лексемасининг семантик тузилишида икки гипонимик маъно бирлашади: а) *son* // *ўғил*; б) *daughter* // *қиз*.

Диссертацияда ушбу синонимик парадигманинг семантик тузилиши ва бошқа аъзолари, шунингдек, *фарзанд* лексемаси устун бўлган синонимик парадигмалар ҳар бир аъзосининг гипоним-гиперономик табиати ўрганилган.

Лексикографик манбаларда кўрсатилишича, ўзбек мумтоз адабиётида чет тилидаги *бола* сўзига яқин ёки мос маъно билан ифодаловчи бир нечта сўзлар мавжуд, масалан, *зод*, *зода* (“бола”)¹⁶, *ҳамзод* (“туғилган”), (“опа-сингиллар”)¹⁷, *валад* (“никоҳсиз туғилган бола”)¹⁸ каби. “Бола” маъносини метафорик шаклда қўллашда *пушт*, *пайванд* сўзларидан ҳам фойдаланилган¹⁹. Бундан ташқари, ёш жиҳатдан белгилари асосида ҳам номланиб, бунга *тифл*, *атфол* лексемалари орқали “янги туғилган чақалоқ”, “болакай”, “кичик болалар” маънолари ифодаланганлигини мисол қилиш мумкин²⁰.

Шунга ўхшаш маънолар *жамрак*²¹, *ушоқ*²² сўзларида ҳам ифодаланган.

Шунингдек ушбу бобда ўзбек тилидаги *қиз*, инглиз тилидаги *daughter* лексемалари доирасида “ота-онамнинг аёл жинсидаги фарзандлари” маъноси ифода воситалари тизими ўрганиб чиқилган.

Ўзбек мумтоз бадиий адабиёти тилида *қиз* // *daughter* маъносига яқин бошқа тиллардан сўзлар ўзлаштирилган, масалан, *бикр* (араб тилидан) – “турмушга чиқмаган бокира қиз”, *душиза* – (тожик-форс тилидан), “*бокира*”, булар муайян маънода *қиз* // *ожиза* (араб) – “қиз”, “заифа аёл”, *буроз* (шевада) – “вояга етган қиз” сўзлари билан синоним ҳисобланади²³.

Ўзбек тилида *қиз*, инглиз тилида *daughter* лексемалари кўп маънолилиги ва кўп функциялилиги билан ажралиб туради. Ўзбек тилида *қиз* лексемаси билан “вояга етмаган”, “қиз бола”, “вояга етган”, лекин турмушга чиқмаган,

¹⁶Навоий асарлари луғати / Составители: П. Шамсиев, С. Ибрагимов. – Тошкент: Ф. Ғулом нашриёти. 1972. – С. 77–906.

¹⁷Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т. I-II. – М., 1980. – С. 200–566.

¹⁸Ўзбек классик адабиёти асослари учун қисқача луғат. – Тошкент, 1983. – С. 9–348.

¹⁹Навоий асарлари луғати / Составители: П. Шамсиев, С. Ибрагимов. – Тошкент: Ф. Ғулом нашриёти, 1972. – С. 77–906.

²⁰Ўзбек классик адабиёти асослари учун қисқача луғат. – Тошкент, 1983. – С. 9–348.

²¹Девону луғотит-турк. Индекс. – Тошкент.: Фан, 1967. – С. 88–351.

²²Ўзбек классик адабиёти асослари учун қисқача луғат. – Тошкент, 1983. – С. 9–348.

²³Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т. I-II. – М., 1980. – С. 200–566.

“балоғат ёшидаги қиз”, “бокира” тушунилади²⁴, бу инглиз тилидаги *daughter* лексемасига ҳам хос бўлиб, “қиз” маъносидан ташқари, у бошқа бир қатор маъноларга ҳам эга, масалан: *girl* // қиз, *lass* // қиз бола, *brige* // келинчак қиз, *spinster* // қари қиз²⁵.

Қиз // *daughter* лексемасининг семантик тузилишида “назокат”, “аёл жинси” семаси етакчи ҳисобланади. *Қиз* // *daughter* сўзи уларнинг ота-оналарига нисбатан «аёл жинсидаги фарзанд, бола» маъносини англатади.

Шундай қилиб, ўзбек ва инглиз тилида аёл жинсига хос маънони ифодалаган сўзлар генетик келиб чиқиши ва грамматик тузилишига кўра бир-биридан фарқ қилса-да, айрим лексик birlikларда семантик ўхшашликлар мавжуд.

Иккинчи бобнинг тўртинчи бўлими **“Фарзандларнинг аёл жинсидаги фарзандлари ва набираларнинг фарзандлари” (қиз неvara, чевара, эvara) маъноси ифода воситалари парадигмаси ва уларнинг функционал-семантик микротизими**ни ўрганишга бағишланади.

Ўзбек тилида “ўғлимнинг фарзандлари (“ўғил томондан набира”) ва кизимнинг болалари (“қиз томондан набира”)” бир хил лексема *набира*, қадимги турк тилларининг ёзма ёдгорликларида *ati*²⁶, сариқ уйғур тилида— *hati*²⁷ деб аталган.

Турк тилида етти атама мавжуд бўлиб, улар ёрдамида қариндошлик авлодининг 7та кетма-кет шажараси номланади. Инглиз ва ўзбек тилида бу номлар кўйидаги яқинлик категориялари билан ифодаланади: 1-авлод – *бола* // *child* – “ота-онамнинг фарзандлари, болалари”; 2-авлод – *набира* // *grandson-granddaughter* – “болаларимнинг боласи”(ўғил-қиз набира); 3-авлод *чевара* // *grandson'sson-granddaughter's daughter* – “набираларимнинг болалари”(“қиз-ўғил чевара”); 4-авлод *эvara* // *great-grandson-great-granddaughter* – “чеварамнинг болалари”(“ўғил-қиз эvara”); 5-авлод – ўзбекча *пайнеvara* – “эварамнинг болалари” (“ўғил-қиз зувала”); 6-авлод – ўзбекча *қукун неvara* – “зувалаларимнинг болалари” (“ўғил-қиз дувара”); 7-авлод – ўзбекча *ёт неvara* – “дуварамнинг болалари” (“ўғил-қиз бегона”)²⁸. (Келтирилган фактлардан кўришиб турибдики, инглиз тилида 5-, 6-, 7-авлодлар маъносининг ифода воситалари мавжуд эмас).

Ўзбек тилида *набира* лексемаси семантик гуруҳ таркибида кўп маъноли ва кўп функцияли саналади. Эски ўзбек тилида “авлодлар, набира” маъносида *ахфод*²⁹, “авлодлар, оила, қариндош, шажара” маъносида *хонавода*³⁰ лексемаси қўлланган, улар *набира* лексемасига семантик жиҳатдан яқин.

²⁴Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т. I-II. – М., 1980.– С. 200–566.

²⁵Хасенова А.К. К вопросу об основе слова в тюркских языках // Исследования по тюркологии. – Алма-Ата: Наука, 1969. – С. 34–47.

²⁶ Древнетюркский словарь. – Л.: Наука, 1969. – С. 67–298.

²⁷Тенишев Э.Р. Строй сарыг-югурского языка. – М.: Наука, 1976. – С. 171–222.

²⁸Исмоилов И. Туркий тилларда қавм-қариндошлик терминлари. – Тошкент: Фан, 1966. – С. 62–150.

²⁹Навоий асарлари луғати / Составители: П. Шамсиев, С. Ибрагимов. – Тошкент: Ф. Ғулом нашриёти, 1972. – С. 77.

³⁰Навоий асарлари луғати / Составители: П. Шамсиев, С. Ибрагимов. – Тошкент: Ф. Ғулом нашриёти, 1972. – С. 660.

